ISSN
2181-2128

2022
II СОН





"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.

"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журнали

2022 ЙИЛ
2 СОН

МУНДАРИЖА:

Abdikarimova D.R.	*Bank kreditlari garov ta'minotini baholashning nazariy-tashkiliy jihatlari*	**7**
Alimjanov N.X.	*Raqamli iqtisodiyot sharoitida O'zbekistonda sug'urta bozorini rivojlantirish xususiyatlari*	**13**
Bababekova D.Sh. **Boltabaev O.M.**	*Directions for sustainable development of Uzbekistan's economy and creation of business environment*	**22**
Begmatova Sh.A.	*Problems of innovative development of entrepreneurial activity in the conditions of the global pandemic crisis*	**28**
Bekmurodova F. **Moyliyev E.**	*The effect of economic liberation on monopoly organizations and export*	**36**
Fayzullaev J.S.	*Conceptual model of development of the organizational and economic basis of the railway transport system*	**42**
Ibragimova Sh.	*Analysis of public participation in the stock market*	**49**
Imomaliyeva M.R.	*Investitsiyalarni jalb qilish yo'nalishlari*	**54**
Ismailova M.M.	*The importance of profitability analysis*	**58**
Mamatov B.Q.	*Xalqaro savdo rivojlanishining zamonaviy tendensiyalari va unga globallashuvning ta'siri*	**63**
Musaeva J.K.	*Evaluation of the fixed capital of enterprises and the main ways of their effective use*	**70**
Rahmatullayev B.Ch.	*Mamlakatimizda investitsiya muhiti jozibadorligini oshirishning asosiy yo'nalishlari*	**78**
Rasulov T.S.	*Valyuta ayirboshlash kursining O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy o'sishiga ta'siri*	**87**
Rasulova D.V.	*Jahon iqtisodiyotida koronavirus pandemiyasi inqirozidan chiqish yo'llari*	**94**
Rustamov M.S. **Uralova G.F.** **Xo'janov F.A.**	*Bank auditida raqamli texnologiyalardan keng foydalanish yo'llari*	**100**
Tursunxodjayeva Sh.	*Treynor koeffitsienti orqali investitsion portfel samaradorligini baholash*	**106**
Абдужаборова М.	*Тўловга қобилиятлилик таҳлили*	**111**
Абдуразақов А.А.	*Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда таннархни ҳисоблаш ва бюджетлаштириш*	**116**
Абдурахмонов И.Х.	*Суғурта компаниялари барқарор ривожланишига манфаатдор томонларнинг (stakeholder) таъсири*	**125**
Абдураҳмонова З.А.	*Меҳмонхона бизнесида молиявий муносабатларни ривожлантириш масалалари*	**132**
Азимова Ш.С.	*Значимость при переходе к «зеленому» финансированию в стране*	**140**
Акрамова Н.А.	*Чорвачилик тармоғини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлиги*	**148**
Аликулов А.Ҳ.	*Корпоратив тузилмаларда антикризисли менежментнинг моҳияти, тамойиллари ва функциялари*	**153**

Аллаева Г.Ж.	*Закономерности устойчивого инновационного развития предприятий тэк в условиях формирования цифровой экономики*	**162**
Атажанов М.К.	*Шаҳар жамоат транспорти логистик қувватини таксономик таҳлил усуллари орқали баҳолаш*	**170**
Атақулов У.М.	*Кўчмас мулк тоифасига кирувчи ер участкаларини солиққа тортишнинг ўзига хос жиҳатлари*	**181**
Ахадов Б.А.	*Суғурта: банк рискларини бошқариш усули сифатида*	**188**
Ахмеджанов С.А.	*Миллий валюта алмашув курси ўзгаришини макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири*	**196**
Бабабекова Г.Б.	*Иқтисодий ислоҳотларни миллий хўжаликларда нархни шаклланишига таъсири*	**203**
Гадоев С.Ж. **Жумазода А.**	*Тижорат банклари мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштириш*	**209**
Дарвишов С.Р.	*Суд-бухгалтерия экспертизасининг назарий асослари ва аҳамияти*	**214**
Дониерова З.А.	*Цифровая трансформация и маркетинговая деятельность на малых и средних предприятиях*	**220**
Жиямуратов Р.Н.	*Махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилишда жаҳон амалиёти*	**226**
Жиянова Н.Э. **Таджибекова Д.Б.**	*Пути совершенствования практики формирования финансовых ресурсов предприятий в современных условиях*	**235**
Жуманиёзов Р.П.	*Минтақада саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишда кичик саноат зоналарининг ўрни*	**242**
Каландаров Р.А.	*Институционал ўзгаришларнинг реал сектор ривожланишига таъсирини оширишда давлатнинг ўрни*	**246**
Каленов К.Т. **Исаков Ж.Я.** **Нурмухаммедов А.Ю.**	*Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини суғурталашни такомиллаштириш*	**254**
Камалов А.С. **Саматов Ғ.А.** **Жураев М.Н.**	*Минтақада транспорт тармоғини ривожлантиришнинг модификацияланган дастурий-мақсадли услубини ишлаб чиқиш*	**259**
Касимова Г.А. **Давлетклычева М.Н.**	*Ўзбекистон пенсия тизими ислоҳотларида хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш*	**265**
Маматов Б.Қ.	*Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ошириш орқали Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш*	**276**
Мансуров М.А.	*Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини ижро этишда ғазначиликнинг жаҳон тажрибаси*	**282**
Махмудов С.Б.	*Логистик компанияларни молиялаштиришда факторинг амалиётини такомиллаштириш йўллари*	**289**
Мелибоев А.Р.	*Профессионал таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш*	**297**
Мирабзалов М.М.	*Микросуғуртанинг иқтисодий моҳияти ва амал қилиш механизми*	**302**
Мўминова М.Б.	*Тижорат банклари фаолиятини бошқаришдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари*	**310**
Муродова Д.Ч.	*Тижорат банклари фаолиятини пул-кредит инструментлари орқали тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш*	**318**
Назаров Р.Ф.	*Зарубежный опыт инновации при страхование транспортных средств*	**324**
Назаров С.А.	*Яширин иқтисодиётни қисқартиришда солиқ назоратидан фойдаланиш*	**331**
Назарова С.Ш.	*Рақобат шароитида корхонани стратегик бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатлари*	**336**
Насруллоев Ҳ.	*Бизнес жараёнларда замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш - самарадорликни оширишнинг кафолати*	**342**

КЎЧМАС МУЛК ТОИФАСИГА КИРУВЧИ ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Атақулов У.М.
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк тоифаига кирувчи ер участкаларини солиққа тортишнинг бугунги кундаги муаммолари ва уларни такомиллаштиришнинг аҳамияти ва зарурияти бўйича тадқиқот олиб борилган, мавзу доирасида хулосалар шакллантирилган.*

Калит сўзлар: *кўчмас мулк, солиқ, ер учаскалари, юридик шахс, жисмоний шахс.*

SPECIFIC FEATURES OF TAXATION OF LAND PLOTS IN THE REAL ESTATE CATEGORY

Ataqulov U.M.
State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan

Annotation: *The article examines the current problems of taxation of land plots in the Republic of Uzbekistan and the importance and necessity of their improvement, draws conclusions on the topic.*

Keywords: *real estate, tax, land, legal entity, individual.*

1. Кириш.

Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк деганда бир жойдан бошқа жойга унинг яхлитлиги ва мақсадли вазифасига зарар етказмасдан олиб ўтиб бўлмайдиган мол-мулк тушунилади. Унинг хусусиятларидан бири кўчмас мулкнинг албатта ер билан боғлиқлиги ҳисобланади: у ер юзасида (бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар) ёки унинг қаърида (фойдали қазилмалар, сув ресурслари ва ҳоказо) жойлашади. **Ер участкалари**нинг ўзи ҳам кўчмас мулк ҳисобланади.

Фуқаролик кодексида (2021) кўчмас мулк жумласига **ер участкалари**, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар кириши белгиланган.

Шунингдек, "Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан кўчмас мулк объектлари-**ер участкалари**, бинолар ва иншоотлар (шу жумладан ер ости иншоотлари) ва кўп йиллик экинлар кўчмас мулк объектлари ҳисобланади (Қарор, 2018).

Амалдаги солиқ кодексига (2022) асосан ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара тўлови тарзда амалга оширилади.

Юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкаларининг солиқ базаси қуйидагилар:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича — солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасининг умумий майдони;

2) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича — солиқ солинмайдиган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қиймати киради.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
Тошкент шаҳри:	
1 зона	220
2 зона	175
3 зона	135
4 зона	90
5 зона	45
Қорақалпоғистон Республикаси	28
Андижон вилояти	35
Бухоро вилояти	29
Жиззах вилояти	29
Қашқадарё вилояти	29
Навоий вилояти	29
Наманган вилояти	35
Самарқанд вилояти	35
Сурхондарё вилояти	25
Сирдарё вилояти	22
Тошкент вилояти	30
Фарғона вилояти	29
Хоразм вилояти	29

1-расм. 2022 йил учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари, млн сўмда (Кодекс, 2021)

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланган.

Норматив қийматни аниқлаш тартиби қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан тасдиқланган (Қарор, 2014).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун 0,04 гектаргача ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали мулк ҳуқуқи асосида реализация қилинади (Қарор, 2022).

Кўчмас мулк тоифасига кирувчи ер участкаларини солиққа тортишда мазкур Қонун ва қарорлар ҳуқуқий хужжат ҳисобланади .

2. Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда кўчмас мулкни солиққа тортиш ва такомиллаштириш юзасидан турли хил ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Черникнинг (1996) фикрича жами мол-мулк мажмуига солинадиган солиқ моҳиятан ер солиғидан иборат бўлган. Бу ҳолда ер ва деҳқончилик воситалари, хўжалик юритиш даражасининг кўрсаткичи сифатида асосий бойлик саналиб, бу хўжалик фаровонлигини даражасини белгилаган.

Кўчмас мулк солиғи тарихан давлатнинг муҳим манбаи бўлиб келган. Ушбу солиқ биринчи навбатда шаҳар ва туманларда маҳаллий хизматларни молиялаштиради (Linette, 1992).

Баъзи олимлар кўчмас мулкни солиққа тортишда ўзининг илмий қарашларини илгари сурган. Жумладан:

Гусев (2004) кўчмас мулни солиққа тортиш иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қийинчиликлар билан боғлиқлигини таъкидлаган.

Михина (2005), замонавий мол-мулк ва ер участкалари учун солиқлар давлат солиқ тизимининг ажралмас қисми ҳисобланишини билдирган.

Тулаков (2021) ўзининг қарашларида ерга солиқ солишни такомиллаштириш Ўзбекистоннинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер солиғини белгилаш ва ундириш бўйича тегишли қонунчиликни тартибга солишни талаб қилади. Бу нафақат минтақаларда, балки бутун Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришларни янада ривожлантириш учун муҳимлигини таъкидлаган.

Алиев (2008) бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишини мулкий муносабатларни ўзгартирмасдан, рақобатни ривожлантирмасдан ва тегишли бозор инфратузилмасини яратмасдан тасаввур қилиб бўлмаслигини ва кўчмас мулкни бошқариш соҳасида маълум натижаларга эришилганлигини - якка тартибдаги уй -жой қурилиши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганда ерга участкаларига эгалик қилиш муҳимлигини таъкидлаган.

Шестемиров (2009) Россияда ер учаткалари учун солиқларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари давлат солиқ тизимининг ажралмас қисми ҳисобланишини ҳамда кўчмас мулкларни солиққа тортиш иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жиддий қийинчиликлар билан боғлиқ эканлигини баён қилган.

Селюков (2011) Россия Федерациясида кўчмас мулкларни, шунингдек ер участкаларини солиққа тортишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлларини илмий асослаб берган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида олинган маълумотларга ишлов беришда мантиқий мушоҳада, адабиётларни танқидий ўрганиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, маълум белгилар асосида классификациялаш, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Амалдаги солиқ кодексига асосан ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ ҳисоботи ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига қуйидаги муддатларга тақдим этилади:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича — жорий солиқ даврининг 10 январига қадар;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича — жорий солиқ даврининг 1 майига қадар.

Солиқ тўловчилар солиқни аниқланган солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоблаб чиқаради.

Солиқ тўловчиларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича жорий солиқ даври учун солиқ ҳисоботларини 2022 йил 1 февралга қадар тақдим этиш ҳуқуқи берилди. Бунда, ушбу солиқни тўлаш, айланмадан солиқ тўловчилар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан йиллик сумманинг ўн иккидан бир қисми миқдорида 2022 йилнинг 20 январига қадар амалга оширилади.

Солиқ органларига юридик шахслардан олинадиган ер солиғини — Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини шакллантириш ҳуқуқи берилди.

Солиқ органлари томонидан шакллантирилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчилар учун белгиланган тегишли солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан камида 10 кун олдин солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Ушбу ҳолатлар 2022 йил январь — июль ойларида эксперимент тариқасида Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантириб берилиши белгиланган.

Жорий йил учун солиқ ҳисоботларини тақдим этиши лозим бўлган юридик шахсларнинг қарийб 25 фоизи солиқ ҳисоботларини қайсидир сабабларга кўра тақдим этмаган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, солиқ органлари томонидан Кадастр агентлиги органлари маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини шакллантирилиб берилишига қарамасдан солиқ тўловчилар томонидан тайёр бўлган солиқ ҳисоботларини "жўнатиш" тугмасини босиш орқали мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмасдан қолмоқда.

2022 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоботлари тақдим этилиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

02.02.2022 млн.сўмда

Т/Р	Ҳудуд номи	Ҳисобот даврида					
		Ҳисобот тақдим этиш мажбуриятига эга корхоналар сони	Тақдим этган корхона сони	Фарқи	%	ер майдони (сектор)	Ҳисобланган кутилаётган солиқ суммаси
	Республика бўйича жами	79 766	50 117	-29 649	62,8	218 497,5	517 573,5
1.	ЙСТБҲ ДСИ (МРИ)	5 007	3963	-1 044	79,1	52 713,3	129 374,4
1	Қорақалпоғистон Р.	3 459	2426	-1 033	70,1	2 283,6	19 477,6
2	Андижон вилояти	4 880	2549	-2 331	52,2	2 004,0	19 418,8
3	Бухоро вилояти	4 437	3151	-1 286	71,0	4 672,7	16 584,2
4	Жиззах вилояти	3 151	2019	-1 132	64,1	2 207,9	16 772,8
5	Қашқадарё вилояти	6 347	4422	-1 925	69,7	3 346,3	24 005,4
6	Навоий вилояти	4 128	1991	-2 137	48,2	2 353,5	15 883,8
7	Наманган вилояти	3 969	2409	-1 560	60,7	2 681,2	17 365,6
8	Самарқанд вилояти	6 437	3930	-2 507	61,1	4 428,1	33 193,1
9	Сурхондарё вилояти	4 490	2350	-2 140	52,3	113 504,2	21 166,2
10	Сирдарё вилояти	2 435	1615	-820	66,3	1 487,5	7 475,0
11	Тошкент вилояти	8 141	4321	-3 820	53,1	14 019,7	47 253,2
12	Фарғона вилояти	5 622	3183	-2 439	56,6	3 796,6	27 346,8
13	Хоразм вилояти	4 664	3185	-1 479	68,3	2 078,8	15 575,6
14	Тошкент шаҳри	12 599	8603	-3 996	68,3	6 920,3	106 681,0

Страница 1

2-расм. 2022 йил учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоботларини тақдим этилиши[1]

Юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ ҳисоботларини топшириш мажбуриятини бекор қилиш ва босқичма-босқич ривожлантириш орқали ушбу тартибни кўчмас мулк солиғини жорий қилиш билан такомиллаштириб бориш бугунги куннинг долзарб вазифалааридан бири бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли хориж тажрибасидан келиб чиқиб, ер солиғи ва мол-мулк солиғини ташқи манба маълумотлари асосида солиқ ҳисоботларини бекор қилиб, солиқ тўловчи томонидан тақдим этишни чеклаб, жисмоний шахс каби автомат ҳисоблашни жорий қилиш лозим бўлади.

Шунингдек, ер солиғи ва мол-мулк солиғини бирлаштириб, кўчмас мулк солиғини амалиётга жорий этиш керак.

Ушбу амалиёт жорий қилинганда солиқ органларида ҳисоб-китобнинг яхлитлиги ва аниқлиги ва солиқ тўловчилар томонидан ортиқча оворагарчиликлар, вақтини тежаш ҳамда ҳисобини юритишда соддалашишига эришилади.

Мазкур солиқ тўловчилар учун солиқ базаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган – Давлат кадастрлар палатаси (кейинги ўринларда – Палата) томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати мол-мулк солиғи, ушбу орган маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони ер солиғи учун солиқ базаси бўлиб хизмат қилади.

Кўчмас мулк объектлари учун ҳисобланган солиқларни тўлаш айланмадан солиқ тўловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида, ҳар чорак ҳамда айланмадан солиқ тўловчи бўлмаган солиқ тўловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида, ҳар ойнинг тегишли саналарида тўлаши белгилаб қўйилган.

Ҳисоб-китобларни соддалаштириш ва маҳаллий бюджетга тушумларнинг ҳар ой бир-хил миқдорда шаклланишини йўлга қўйиш мақсадида кўчмас мулк объектлари учун тўловни ҳар ойнинг 10 санасига белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумоти асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш имконияти яратилди.

Хусусийлаштирилаётган ер участкасини сотиб олиш қийматини ҳисоблашнинг тартибига асосан қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

а) юридик шахсларга доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкалари учун:

$$C = K_{юр} \times S + B + T \qquad (1)$$

б) умрбод мерос қилиб қолдирилган, доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки ижара ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли ер участкалари учун:

$$C = K_{жис} \times S + B + T \qquad (2)$$

бунда:

С — хусусийлаштирилаётган ер участкасининг сотиб олиш қиймати;

$К_{юр}$, $К_{жис}$ — юридик ва жисмоний шахслар учун сотиб олиш қийматини аниқлашда ўша кунда белгиланган базавий солиқ ставкасининг 20 баравари;

S — хусусийлаштирилаётган ер участкасининг майдони (квадрат метрда);

В — Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори билан давлат реестридан кўчирмани бериш ва кўчмас мулк объектларини рўйхатга олиш хизматларига белгиланган ставкалар асосида;

Т — бир гектар ер майдони учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари ҳисобидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер участкаси ва унга туташ ҳудуднинг топографик режасини тайёрлаш учун тўлов миқдори.

Хусусийлаштирилаётган ер участкасини сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар ер участкасининг майдонидан ва базавий солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил ҳисоблаб олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қиймати қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқиш учун ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда аниқланади (Қарор, 2014).

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан норматив қиймат бўйича ер солиғи ҳисоботларини тақдим этишлари солиқ органлари томонидан ҳсоб-китобни тўғри юритилиши устидан назорат юритиш механизмини қийинлаштиради, шунингдек норматив қийматни ҳаққонийлигини ҳисоблаб чиқаришда мураккаб ва шаффоф эмас.Норматив қийматни ҳисоблаб чиқишда инсон омили аралашган бўлиб, солиқ органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мустақил ҳисоблаб чиқариш имконияти мавжуд эмас ва энг салбий жиҳати коррупцион омилнинг мавжудлиги мазкур соҳани такомиллаштиришнинг заруриятини келтириб чиқаради. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ер участкалари бўйича солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк тоифасига кирувчи ер участкаларини солиққа тортишда хулоса қилиб, қуйидаги таклифларни билдирамиз:

— Хусусийлаштирилаётган ер участкаларини сотилишини жадаллаштириш мақсадида сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахсларга сотиб олиш юзасидан рағбатлантириш яъни битта йўналишда масалан белгиланган базавий солиқ ставкасини 20 бараваридан 15 бараварига камайтириш.

— Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қийматини бекор қилиб, ер участкасининг эгаллаган ер майдонига қараб аниқ бир қиймат орқали солиқ ставкасини белгилаш ва ер

участкаси жойлашган ҳудуднинг жойлашувига суғориладиган ва ернинг ҳосилдорлигига қараб коефциант киритиш ва Солиқ кодексига киритиш.

— Бўш турган ер участкаларига нисбатан қўлланилган таъсирчан солиқ механизми бўйича қўлланиладиган таъсирчан солиқ механизмини қўллаш бўйича чораларни Солиқ кодексида акс эттириш ва норматив хужжатлардаги нормаларни бирлаштириш.

— Юридик шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи ҳисоботини бекор қилиб, солиқ органларида ташқи манба маълумотлари асосида кўчмас мулк солиғини автомат ҳисоблашни жорий этиш, солиқ объекти сифатида ягона кўмас мулкнинг кадастр қийматини жорий этиш;

— Ҳисоб-китобларни соддалаштириш ва маҳаллий бюджетга тушумларнинг ҳар ой бир-хил миқдорда шаклланишини йўлга қўйиш мақсадида кўчмас мулк объектлари учун тўловни ҳар ойнинг 10 санасига белгилаш.

Adabiyotlar/Литература/Reference:

Linette S.F. (1992) "Property taxes on land and land use" A thesis submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Master of Science in Applied Economics, 1992.

Алиев М.Б. (2008) "Финансово-экономическая деятельность в сфере управления недвижимостью" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. / Aliev M.B. (2008) "Financial and economic activity in the field of real estate management" Abstract of the dissertation for the degree of candidate of economic sciences.

Гусев Б.В. (2004) "Налогообложение недвижимости в россии: основы построения и перспективы развития" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. / Gusev B.V. (2004) "Taxation of real estate in Russia: fundamentals of construction and development prospects" Abstract of the dissertation for the degree of candidate of economic sciences.

Кодекс (2021) Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси / Code (2021) Civil Code of the Republic of Uzbekistan

Кодекс (2021) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси / Code (2021) Tax Code of the Republic of Uzbekistan

Михина Е.В. (2005) "Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. / Mikhina E.V. (2005) "Real estate tax and the prospects for its development in the region" Abstract of the dissertation for the degree of candidate of economic sciences.

Селюков М.В. (2011) "Развитие системы налогообложения недвижимости в российской федерации" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. / Selyukov M.V. (2011) "Development of the real estate taxation system in the Russian Federation" Abstract of the dissertation for the degree of candidate of economic sciences.

Тўлаков У.Т. (2021) "Ўзбекистонда ер солиғи ривожланиши истиқболлари" "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun / Tulakov U.T. (2021) "Prospects for the development of land tax in Uzbekistan" Scientific electronic journal "Economy and Innovative Technologies". № 3, May-June

Шестемиров А.А. (2009) "Основные направления реформирования имущественного и земельного налогообложения в России (на примере города Москвы)" Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. / Shestemirov A.A. (2009) "The main directions of reforming property and land taxation in Russia (on the example of the city of Moscow)" Abstract of the dissertation for the degree of candidate of economic sciences.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" 71-сон. / Resolution (2022) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On measures to implement the Law of the Republic of Uzbekistan" On privatization of non-agricultural land "No. 71.

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги 1060-

сон. / Resolution (2018) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On the procedure for state registration of rights to real estate" No 1060.

Қарор (2014) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сон / Resolution (2014) No. 235 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On improving the system for determining the normative value of agricultural land."

Черник Д.Г. (1996) Налоги: Учеб. Пособие, – М.: Финансы и статистика. / Chernik D.G. (1996) Taxes: Proc. Allowance, - M .: Finance and statistics.